

**Қорақалпоғистон тиббиёт институти профессор-ўқитувчи ходимларни  
танлов асосида ишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги  
НИЗОМИ**

**I. Умумий қоидалар**

«Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддасига Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 10 февралдаги 20-сон қарорига кўра олий таълим муассасаларига педагог ходимларни танлов асосида ишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низом асосида Қорақалпоғистон тиббиёт институти педагог ходимларни (профессор-ўқитувчилар таркибини) танлов асосида ишга қабул қилиш тартибини белгилайди.

1. Мазкур Низом, «Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 44-моддасига мувофиқ, олий таълим муассасаларига

(*1-банднинг биринчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 3 июнданги 345-сонли қарори таҳририда — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 04.06.2021 й., 09/21/345/0522-сон*)

Чуқур касбий билимларга ва илмий ютуқларга, ижодий, илмий салоҳиятга, юксак интеллектуал қобилияtlар ва ахлоқий фазилатларга эга бўлган, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талаблари даражасида мутахассислар тайёрлаш билан шуғулланишга муносиб бўлган энг малакали педагог кадрларни танлаш учун рақобат муҳитини яратиш ва таъминлаш танловнинг мақсади ҳисобланади.

**II. Лавозимлари танлов бўйича эгалланадиган педагог ходимлар ва  
танлов қатнашчиларига қўйиладиган малака талаблари**

1. Педагог ходимлар тоифасига кафедра мудири, профессор, доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент) ўқитувчи-стажёр лавозимини эгаллаб турган шахслар киради.

2. Қорақалпоғистон тиббиёт институти муассасасининг кафедра мудири, профессори, доценти, катта ўқитувчиси, ўқитувчиси (ассистенти) ўқитувчиси-стажёри лавозими беш йил муддатга танлов бўйича эгалланади.

Беш йиллик муддат тамом бўлгандан кейин кўрсатиб ўтилган лавозимлар мазкур Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 10 февралдаги 20-сон қарорига кўра танлов асосида эгалланади.

Икки ва ундан ортиқ тенг лавозимларга бир вақтда танлов ўтказилмайди.

Педагог ходимлар лавозимларини эгаллашнинг беш йиллик муддати даврида Қорақалпоғистон тиббиёт институти ректорнинг буйруғи билан тасдиқланадиган комиссияси томонидан ҳар бир ўқув йили якунлари бўйича, тегишли мезонларга биноан педагог ходимлар фаолияти ҳар томонлама ўрганиб чиқилади.

Педагог ходимлар фаолиятини ўрганиш тартиби ҚТИ илмий кенгаши томонидан тасдиқланади. Педагог ходимлар фаолиятини ўрганиш натижалари олий таълим муассасасининг илмий кенгашида кўриб чиқилади.

3. Кафедра мудири лавозимини эгаллаш учун танловда профессор ёки доцент илмий унвонига, фан номзоди, фалсафа доктори (PhD), фан доктори ёки фан доктори (Doctor of Science) илмий даражасига, шунингдек хорижий мамлакатларнинг тегишли мутахассислик бўйича уларга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига эга бўлган шахс иштирок этиши мумкин.

Доцент (фан номзоди, тегишли мутахассислик бўйича хорижий мамлакатларнинг фалсафа доктори (Ph.D) ёки унга тенглаштирилган бошқа илмий даражалари) кафедра мудири лавозимини эгаллашга бир беш йиллик муддатга қўйилади.

Бир муддат тамом бўлгандан кейин кафедра мудири лавозимини эгаллаб турган ва фан доктори илмий даражасини олмаган доцент (фан номзоди, тегишли мутахассислик бўйича хорижий мамлакатларнинг фалсафа доктори (Ph.D) ёки унга тенглаштирилган бошқа илмий даражалари) фақат истисно ҳолларда олий таълим муассасаси ректорининг тақдимномасига биноан ва Ўзб.Р.ССВ нинг рухсати билан кафедра мудири лавозимини эгаллаш учун танловда яна иштирок этиши мумкин.

Фан номзоди, тегишли мутахассислик бўйича хорижий мамлакатларнинг фалсафа доктори (Ph.D) ёки унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ёки доцент илмий унвонига эга бўлган айнан бир шахснинг кафедра мудири лавозимига танловда кетма-кет учинчи муддатга иштирок этишига йўл қўйилмайди.

Тиллар, жисмоний тарбия ва спорт кафедраси мудири лавозимини эгаллаш учун танловда иштирок этишга доцент илмий унвонига (фан номзоди, тегишли мутахассислик бўйича хорижий мамлакатларнинг фалсафа доктори (Ph.D) ёки унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига) эга бўлмаган, бироқ камида 5 йил методик, илмий-педагогик, ижодий ва ташкилий фаолият тажрибасига эга бўлган шахс қўйилиши мумкин.

4. Профессор лавозимини эгаллаш учун танловда, қоидага кўра, профессор илмий унвонига ёки фан доктори ёки фан доктори (Doctor of Science) илмий даражасига, шунингдек тегишли мутахассислик бўйича

хорижий мамлакатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига эга бўлган шахс иштирок этиши мумкин.

Профессор лавозимини эгаллаш учун танловда фан номзоди, фалсафа доктори (PhD) илмий даражасига ёки тегишли мутахассислик бўйича хорижий мамлакатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ёки доцент илмий унвонига эга бўлган шахс камида 5 йил илмий-педагогик иш стажига эга бўлиш, ушбу кафедранинг таълим йўналишлари бўйича дарсликлар ва ўқув қўлланмалари муаллифи бўлиш шарти билан бир муддатга иштирок этиши мумкин.

5. Доцент лавозимини эгаллаш учун танловда, қоидага қўра, доцент илмий унвонига, катта илмий ходим ёки фан номзоди, фалсафа доктори (PhD), фан доктори ёки фан доктори (Doctor of Science) илмий даражасига, шунингдек хорижий мамлакатларнинг тегишли мутахассислик бўйича уларга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига эга бўлган шахс иштирок этиши мумкин.

Бир муддатга доцент лавозимини эгаллаш учун танловда, шунингдек тегишли илмий унвонга ва илмий даражага эга бўлмаган, бироқ ушбу мутахассислик бўйича камида 3 йиллик амалий иш тажрибасига эга бўлган, мазкур кафедранинг таълим йўналишлари бўйича дарсликлар ва ўқув қўлланмалари муаллифи бўлган юқори малакали мутахассис ҳам қатнашиши мумкин.

6. Катта ўқитувчи лавозимини эгаллаш учун танловда олий маълумотга эга бўлган шахс (магистр, дипломли мутахассис), шунингдек илмий даража (шу жумладан, фан номзоди, тегишли мутахассислик бўйича хорижий мамлакатларнинг фалсафа доктори (Ph.D) даражасига ёки унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига) ва илмий унвонга эга бўлган ҳамда бундай даражага ва унвонга эга бўлмаган, бироқ ўқитувчилик, илмий-тадқиқот ва ишлаб чиқариш ишлари тажрибасига эга бўлган шахслар ҳам қатнашиши мумкин.

7. Ўқитувчи (ассистент), ўқитувчи-стажёр лавозимини эгаллаш учун танловда тегишли мутахассислик бўйича олий маълумотга эга бўлган шахс (магистр, дипломли мутахассис) қатнашиши мумкин.

8. Профессор, доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент), ўқитувчи-стажёр лавозимини эгаллаш учун танловда олий маълумотга эга бўлмаган, бироқ ўзининг ноёб истеъдоди ва маҳорати билан танилиб, халқ эътирофига сазовор бўлган «Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби», «Ўзбекистон Республикаси халқ рассоми», «Ўзбекистон Республикаси халқ устаси» фахрий унвонларига эга бўлган шахслар ҳамда Ўзбекистон Бадиий академияси академиклари истисно тариқасида қатнашишлари мумкин.

9. Ҳомиладор аёллар, шунингдек уч ёшгача болалари бўлган аёллар эгаллаб турган лавозимларга танлов эълон қилинмайди.

10. Олий таълим муассасаларига ўқитувчи лавозимиға соатбай ҳақ тўлаш шартларида ишга кираётган шахслар танловсиз, ректор буйруғи билан, белгиланган тартибда қабул қилинади.

11. Ўқиши тугаллаш йилида олий таълим муассасаси магистратурасининг битиравчиси бўш лавозимлар мавжуд бўлган тақдирда тақсимот бўйича 3 йил муддатга танловдан ташқари ўқитувчилик лавозимиға тайинланади. Ушбу муддат фақат давлат гранти асосида ўқиши тамомлаган магистратура битиравчилари учун қўлланади.

### **III. Танловларни ўтказиш тартиби**

12. Қорақалпоғистон тиббиёт институтида сайлаш муддати ушбу ўқув йилида тамом бўладиган, шунингдек бўш лавозимларга кафедра мудирлари, профессорлар, доцентлар, катта ўқитувчилар, ўқитувчилар (ассистентлар) ва ўқитувчилар-стажёрлар лавозимларини эгаллашга танлов “Еркин Қарақалпақстан” рўзномасида эълон қиласди.

13. Танлов бўйича сайлов институтнинг илмий кенгашларида ёки факультетларнинг илмий кенгашларида ўтказилади. ҚТИнинг илмий кенгashiда ёки факультетнинг илмий кенгashiда сайланадиган лавозимларни белгилаш хуқуки олий таълим муассасининг ректорига тегишли бўлади.

Кафедра мудирлари ва профессорлар институтнинг илмий кенгашларида танлов бўйича ўтадилар.

15. Танловда қатнашишни хоҳловчилар ҚТИ ректори номига ариза берадилар, аризага **Девонхонада** хисобга олиш бўйича шахсий варақа ва олий маълумот тўғрисидаги дипломлар нусхаси илова қилинади.

Қатнашувчиларда илмий даража (шу жумладан, фан номзоди, тегишли мутахассислик бўйича хорижий мамлакатларнинг фалсафа доктори (Ph.D) даражасига ёки унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига), илмий унвон, шунингдек илмий ишлар ва ихтиrolар мавжуд бўлган тақдирда улар тегишли дипломлар, аттестатлар нусхаларини ва илмий ишлар рўйхатини, малака ошириш тўғрисидаги гувоҳномаларни тақдим этишлари керак.

16. Танловга тушган барча ҳужжатлар олдиндан кафедра мажлисида кўриб чиқилади. Илгари кафедрада ишламаган шахсларнинг ҳужжатларини кўриб чиқишидан олдин улар томонидан синов лекциялари (мазкур ҚТИ ўқитувчилари учун — очик машғулотлар) ўтказилади. Синов лекциялари ва очик машғулотлар мавзулари кафедра предметлари бўйича ўқув дастури талабларига мувофиқ бўлиши керак. Танлов қатнашчиларини тест синовларидан ўтказишга йўл қўйилади. Кафедра мудири лавозимиға номзодларни муҳокама қилиш бўйича мажлиси факультет декани (ҚТИ умумий кафедраларида – проректор ўтказади).

Илгари ўзи эгаллаб келган лавозим учун танловда қатнашувчи шахслар кафедра мажлисида танловдан олдинги даврдаги илмий-педагогик, методик, тарбиявий ва бошқа ишлари түғрисида ҳисобот беради.

Кафедра илгари эгаллаб келган лавозими учун танловда қатнашувчи ҳар қайси номзод бўйича материалларни кўриб чиқиш натижаларига кўра, очик ёки яширин овоз берган ҳолда, кафедранинг штатдаги ўқитувчиларининг (шу жумладан ўриндошлиқ тартибида ишлаётган ўқитувчиларининг) ва илмий ходимларининг оддий кўпчилик овози билан тавсиянома қабул қиласида ва уни ўқитувчининг ҳисоботи билан бирга олий таълим муассасаси (факультет) илмий кенгашига жўнатади.

Факультетнинг кафедра аъзоси ҳисобланмайдиган декани (проректор) кафедра мудири лавозимига номзодлар бўйича тавсияномалар қабул қилишда овоз беришда қатнашмайди. Эгаллаш учун танлов эълон қилинган лавозимни эгаллаб турган шахс материалларни кўриб чиқиш чоғида овоз беришда қатнашмайди.

17. Ҳар қайси номзод бўйича илмий кенгаш мажлисида яширин овоз беришни ўтказишдан олдин кафедранинг тавсияномаси ўқиб эшиттирилади.

18. Мазкур лавозим учун танловда қатнашувчи барча шахсларнинг фамилияси яширин овоз бериш учун битта бюллетенга киритилади.

Овоз бериш бюллетенда овоз берилаётган номзоднинг фамилияси рўпарасига тегишли белги қўйиш йўли билан амалга оширилади. Фақат битта номзод учун овоз беришга йўл қўйилади.

Агар бюллетенда овоз бериш учун бирорта ҳам белги қўйилмаган бўлса ёхуд белги икки ёки ундан кўп фамилиялар рўпарасига қўйилган бўлса, у ҳолда бундай бюллетенъ бузилган ҳисобланади ва овозларни ҳисоблашда ҳисобга олинмайди.

19. Овозларни ҳисоблаш учун илмий кенгаш овоз бериш бошланишидан олдин таркибида илмий кенгашнинг камидаги уч нафар аъзоси бўлган саноқ комиссиясини сайлайди. Саноқ комиссияси ҳар қайси номзод бўйича овоз бериш натижаларини эълон қиласида.

Саноқ комиссияси протоколи илмий кенгаш томонидан тасдиқланади ва танлов материалларига қўшиб қўйилади.

20. Танловни ўтказишда илмий кенгаш қарори, агар овоз беришда илмий кенгашнинг тасдиқланган (рўйхатдаги) таркибидаги аъзоларининг камидаги учдан икки қисми қатнашган бўлса ваколатли ҳисобланади. Илмий кенгашнинг овоз беришда қатнашган аъзоларининг кўпчилик овозини, бироқ камидаги 50 фоиз овозини олган номзод танловдан ўтган ҳисобланади.

Бирортаси ҳам талаб қилинган миқдорда овоз ололмаган икки нафардан кўп номзодлар қатнашган тақдирда илмий кенгашнинг айнан шу мажлисида дастлабки икки талабгор ўртасида тақорий овоз бериш

ўтказилади. Агар икки номзод қатнашган танловни ўтказишда овозлар сони тенг бўлиб қолса раиснинг овози ҳал қилувчи ҳисобланади. Илмий кенгаш қарори олий таълим муассасаси ректорининг буйруғи билан тасдиқланади.

Танловда қатнашиш учун аризалар мавжуд бўлмаган тақдирда, танлов ўтказилмаган ҳисобланади.

21. Лавозимларни эгаллаш учун ўқитувчиларни танлаш бўйича кафедра ва илмий кенгаш мажлислари очик тартибда ўтади. Танловда қатнашувчиларга уларнинг номзодлари муҳокама қилинадиган кафедра ва илмий кенгаш мажлисларида қатнашиш ёки уларнинг хоҳишига кўра кафедра ёки илмий кенгаш қарори билан танишиш хуқуқи берилади.

22. Илмий кенгаш котиби танлов натижалари тўғрисида ўн кун муддатда унда қатнашган шахсларни ёзма равишда хабардор қиласди.

23. ҚТИ (факультет) илмий кенгашининг қарори, агар у ушбу Низом талабларига риоя этилган ҳолда қабул қилинган бўлса, узил-кесил ҳисобланади.

#### **IV. Мехнат шартномаси (контракт)ни тузиш, ўзгартириш ва тўхтатиш**

24. Ушбу олий таълим муассасасида ишламайдиган ва педагог ходимлар лавозимга танловдан ўтган шахслар билан белгиланган тартибда меҳнат шартномалари тузилади, меҳнат шартномалари асосида уларни 5 йил муддатга ишга қабул қилиш тўғрисида буйруқ чиқарилади.

Меҳнат шартномаларида иш берувчи томонидан ҳар 5 йилда ходим эгаллаб келган лавозим учун танлов ўтказилиши белгилаб қўйилади, ходим эса танловда қатнашишга ҳақлидир.

Ходим меҳнат шартномаси тузилгандан кейин ишга киришиши шарт бўлган муддат томонларнинг келишуви бўйича белгиланади, бироқ ушбу муддат бир ойдан ортиқ бўлиши мумкин эмас. Педагог ходимларнинг ёзги каникул (таътил) даври ушбу муддатга мурдатга кирмайди.

25. ҚТИда ишлайдиган ва танлов бўйича сайланган шахсларнинг меҳнат шартномаларига қўйидагилар ёзиб қўйилади:

а) улар илгари эгаллаб келган лавозим учун — меҳнат муносабатларини янги муддатга узайтириш тўғрисидаги маълумотлар ёзилади ва тегишли буйруқ чиқарилади;

б) бошқа лавозимлар учун — танловдан ўтганлик тўғрисида илмий кенгаш протоколи қайд этилган ҳолда тегишли ўзгартиришлар ёзилади ва бошқа лавозимга ўтказиш тўғрисида буйруқ чиқарилади.

26. Илгари эгаллаб келган лавозими учун танловдан ўтмаган, шунингдек танловда қатнашиш учун ариза бермаган шахслар билан меҳнат шартномаси янги муддатга танловдан ўтмаганлиги ёхуд танловда қатнашишни рад этганлиги сабабли ҚТИ ректори томонидан белгиланган

муддатларда (қоидага кўра, ўқув семестри, йил тамом бўлгандан кейин) меҳнат қонунчилигига мувофиқ тўхтатилади.

27. Кафедралар бирлаштирилганда ёки кафедра бўлинганда педагог ходимлар бўйича муддатидан олдин танловлар ўтказишга йўл қўйилмайди.

Кафедралар бирлаштирилган тақдирда янгидан ташкил этилган кафедра мудири лавозимини эгаллаш тўғрисидаги масалани олий таълим муассасасининг илмий кенгаши олдиндан танлов эълон қилмасдан, яширин овоз бериш йўли билан ҳал қиласди.

Кафедра бўлинган тақдирда унинг мудири сайланган муддати ўтгунгача, ректор буйруғи билан янгидан ташкил этилган кафедралардан бирининг мудири лавозимига тайинланади. Бошқа кафедранинг мудири лавозимига танлов бўйича мудир тайинланади.

28. Олий таълим муассасаси ректорига танлов ўтказилгунгача кафедранинг етакчи ўқитувчиларидан биттасига ёки деканга бўш кафедра мудири лавозими бўйича вазифаларни бажаришни юклашга рухсат этилади.

Вакиллик органларида сайдаб қўйиладиган лавозимга сайланиси натижасида унинг билан меҳнат шартномаси тўхтатилган ўқитувчи унинг сайлов бўйича ваколатлари тугагандан кейин танлов натижаларига кўра сайланган муддати тугагунгача мазкур олий таълим муассасасининг илгари эгаллаб келган ёки унга teng бўлган педагог ходимлардаги лавозимга тайинланади.

29. КТИ ректорига олий таълим муассасаси (факультет) илмий кенгашида кўриб чиқиш учун педагог ходимларнинг эгаллаб турган лавозимларига мувофиқлиги тўғрисидаги масалани киритиш хуқуки берилади.

Олий таълим муассасаси (факультет) илмий кенгашида педагог ходимнинг эгаллаб турган лавозимига мувофиқлиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқишидан олдин унинг фаолияти ректорнинг буйруғи билан тасдиқланадиган комиссия томонидан ўрганиб чиқилиши керак. Илмий кенгаш қарори асосида педагог ходимни эгаллаб турган лавозимига номувофиқлиги бўйича вазифасидан озод қилишга унинг малакаси етарли бўлмаганлиги сабабли илмий-методик ва тарбиявий ишлар, шунингдек лекциялар ва семинар машғулотлари ўтказиш даражаси паст бўлган тақдирда йўл қўйилади.

Агар илмий кенгаш қарорига кўра кафедра мудири, профессор, доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи-стажёр эгаллаб турган лавозимига номувофиқ деб эътироф этилса, у ҳолда унинг билан тузилган меҳнат шартномаси белгиланган тартибда тўхтатилади.

Кафедра мудири билан тузилган меҳнат шартномаси, шунингдек кафедрага раҳбарлик қилиш бўйича ўз функционал вазифаларини

бажармаганлиги ёки зарур даражада бажармаганлиги сабабли илмий кенгаш қарорига биноан тұхтатилиши мүмкін.

30. ҚТИ педагог ходимлар билан тузилған меңнат шартномасини тұхтатиш масалаларига доир меңнат низолари қонунчилікда белгіланған тартибда ҳал этилади.